

УДК 004.046(047)

**Б.Б. Мўминов**

## FSV ТЕХНОЛОГИЯСИННИГ ДОЛЗАРБЛИК БЎЙИЧА ТЕСКАРИ АЛОҚА СТРАТЕГИЯЛАРИ

Ушбу мақолада FSV технологиянинг излаш тизимидағи долзарблик тескари алоқа стратегияларининг асосий амалга ошириш усулларини локал тамоил асосида ошириш баён қилинган. Унда долзарблик ва тасодифий (сохта, алдамчи) долзарблик бўйича тескари алоқа, долзарблик бўйича тескари алоқа учун Роккио алгоритми, долзарблик бўйича эҳтимоли бўлган тескари алоқа, корпоратив тармоқда долзарблик бўйича тескари алоқа, Долзарблик бўйича ошкормас тескари алоқа шунингдек долзарблик бўйича тескари алоқа стратегиясини баҳолаш асолсари очиб берилган.

**Калит сўзлар:** Маълумотларни излаш, излаш тизими, FSV технология, долзарблик, тескари алоқа, сўров, Роккио алгоритми, центроид.

**Кириш.** Бугунги кунда маълумотларнинг ҳажми ошиб бориш маълумотларни излаш тизимларига (МИТ) бўлган эҳтиёжни кучайтирмоқда. Ҳар ахборот тизими маълумотлар базасига асослангандек, маълумотларни излаш тизимларига ҳам асосланади[1]. Шунинг учун ахборот тизимларида маълумотларни интеллектуал излаш ва қайта ишлаш моделлари ва усулари асосида FSV технологияси яратилди. FSV технология бу маҳсус маълумотларни излаш тизимини яратишга мўлжалланган платформа бўлиб ҳисоблади. *FSV технологияси* – бу корпоратив тармоқларнинг ахборот муҳитида МИҚИ моделлари, усуллари ва алгоритмларини интеграция ва модификацияловчи, сервер иловали мижоз-сервер ахтитектурасига асосланган инструментал дастурий платформа[1].

Кўп жиҳатли корпоратив тармоқларда FSV технологияси асосида яратилган излаш модулларининг 3 та базавий босқичларини бўлди. Улар:

1. (F) - сўровни тақдим этиш усули, яъни тизим фойдаланувчисининг ахборот эҳтиёжларини ифодалашнинг шакллаштириш усули.

2. (S) - электрон ресурснинг сўровга мувофикалик функцияси, яъни сўровнинг ва топилган электрон ресурнинг мувофиқлиги даражаси.

3. (V) – электрон ресурсларни тақдим қилиш усули.

Сараланган маълумотлар тўпламида излаш тизимининг ўқитиш учун долзарблик бўйича тескари алоқани ҳисоблаш мухим ҳисобланади. Бу FSV технологияси амалга оширишда мавжуд ва такомиллаштирилган долзарбликка тескари алоқани ҳисоблаш моделлари, усуллари ва ёндашувлар асосида стратегияларини аниқлаш мухимdir.

Ахборот тизимларининг излаш тизимларида бир тушунча турли сўзлар билан ифодаланиши мумкин. Бу ҳодиса синоним (synonymy) каби машхур, кўпгина МИТларнинг излаш тўлиқлик мезонига таъсир килади. Масалан, фойдаланувчилар [шум] сўровига шунингдек, [шўх] сўзи (лекин факат инсон маъносида), хабар – мос келувчи контекстда шум хабар сўзи мос келишини хоҳлашади.

Фойдаланувчилар кўпинча сўровларни аниқлаштирган ҳолда бу муаммони мустақил ечишга уринишади. Бу мақолада излаш тизимнинг ўзи ё автоматик, ё фойдаланувчи иштироки билан сўров қайта аниқлаши мумкин бўлган усулларни кўриб чиқамиз.

**Асосий қисм.** Бу масалани ечиш усуллари икки асосий категорияга бўлинади: глобал ва локал. Глобал усуллар сўров ва қайтарилган натижалардан қатъи назар сўровни кенгайтириш ёки янгидан шакллантирилишини назарда тутади, шунинг учун сўров шаклланишидаги ўзгаришлар бошқа семантик якин терминларга мос келувчи янги сўровнинг хосил бўлишига олиб келади. Глобалларга куйидаги усуллар тегишли.

- Маҳсус тезаурус ёки WordNet тезаууси ёрдамида сўровнинг кенгайиши/янгидан ташкил килиниши.

- Тезауруснинг автоматик генерациялаши ёрдамида сўровнинг кенгайиши.

- Нотўғри ёзувларни тўғрилаш усулларига ўхшаш усуллар.

Локал усуллар дастлабки сўров бўйича топилган ЭРларни ҳисобга олган ҳолда сўровни ўзгартиради. Локал усулларга куйидагилар киради.

- Долзарблик бўйича тескари алоқа.

- Долзарблик бўйича кўп тескари алоқа каби машхур тасодифий долзарблик бўйича тескари алоқа.

- Долзарблик бўйича (глобал) норавшан (неявная, ошкормас) тескари алоқа.

Бу мақолада FSV технологиясидаги долзарблик бўйича тескари алоқанинг барча ёндашувларга тўхталамиз, лекин энг кўп тарқалган ва муваффакиятга эришган долзарблик бўйича тескари алоқа усулига эътиборимизни қаратамиз.

**1. Долзарблик ва тасодифий (сохта, алдамчи) долзарблик бўйича тескари алоқа.** Долзарблик бўйича тескари алоқа (Relevance Feedback - RF) натижаларнинг якуний рўйхатини яхшилаш учун излаш жараёнинга фойдаланувчини чакиришдан иборат. Кўпинча, фойдаланувчи тизимга ЭРлар долзарблигини натижаларнинг дастлабки рўйхатида

хабар қиласи. Қисқача кўринишда бу жараён куйидагича содир бўлади.

- Фойдаланувчи сўровни амалга оширади (қисқа, оддий).

- Тизим топилган ЭРларнинг дастлабки рўйхатини қайтаради.

- Фойдаланувчи топилган ЭРларнинг баъзиларини долзарб ёки долзарбмас сифатида белгилайди.

- Тизим фойдаланувчи билан тескари алоқага асосланган ҳолда аҳборот эҳтиёжининг яхшиланган кўринишини аниқланади.

- Тизим экранга топилган ЭРларнинг аниқланган тўпламини чиқаради.

RF усули бир ёки бир нечта итерацияларни кўзда тутиши мумкин. Бу жараённинг асосида фойдаланувчи тўплам таркибини яхши билмаган ҳолда аниқ сўровни шакллантиришга қодир эмас, лекин ЭРларни баҳолаши мумкин деган ғоя ётади. Шунинг учун сўровни аниқлаштириш учун бундай итерацияларнинг бир нечтасини бажариш мақсадга мувофиқ. Бу сенарий доирасида RF усули фойдаланувчининг аҳборот эҳтиёжи эволюциясига шароит яратиши мумкин. Айрим ЭРларни кўриб чиқиши фойдаланувчига у қидираётган маълумот ҳакида тасаввурни аниқлашга ёрдам беради.

RF усулига ёрқин мисол расмлар қидирилиши хисобланади. Расмлар излаши натижасини кўриб чиқиши осон, лекин айнан шу соҳада фойдаланувчига сўровни сўзлар билан шакллантириш қийин, лекин қайси расмлар долзарб ёки долзарбмас эканлигини кўрсатиш осон. Фойдаланувчи МИТ саҳифасида сўровни киритгандан сўнг, у натижаларнинг бирламчи рўйхатини олади. Фойдаланувчи долзарб деб ҳисоблайдиган расмни танлади. Улар сўровни аниқлаш учун ишлатилиди, бу вактда эса бошка расмлар сўровнинг янги шаклига таъсир қилмайди. RF усули бўйича итерация бажарилганидан сўнг саралangan янги натижалар кўрсатилди.

**2. Долзарблик бўйича тескари алоқа учун Роккио алгоритми.** Роккио алгоритми[3] (Rocchio algorithm) – RF усулини амалга ошириш учун классик алгоритм бўлиб ҳисобланади. У долзарблик бўйича тескари алоқа моделини вектор тўплам моделига инкорпорациялади.

Долзарб ЭРларга максимал яқин ва долзарбмас ЭРларга минимал ўхшаш  $q$  сўров векторини топишни хоҳлаймиз. Агар  $C_r$  – бу долзарб ЭРларнинг тўплами,  $C_{nr}$  эса – долзарбмаслар тўплами бўлса, унда излашининг занжири куйидаги вектор бўлади.

$$\vec{q}_{op} = \arg \max_q [sim(\vec{q}, C_r) - sim(\vec{q}, C_{nr})] \quad (1)$$


Бу ерда  $sim$  катталиги тенглик куйидагича аниқланади.

$$sim(q_j, q) = \frac{\bar{d}^{(j)} \cdot \bar{q}}{|\bar{d}^{(j)}| \cdot |\bar{q}|} = \frac{\sum_{i=1}^n w_i^{(j)} w_i^q}{\sqrt{\sum_{i=1}^n (w_i^{(j)})^2} \sqrt{\sum_{i=1}^n (w_i^q)^2}}$$

Агар яқинлик ўлчами сифатида ўхшашликнинг косинус ўлчамидан фойдаланилса, унда долзарб ва долзарбмас ЭРларни ажратиш учун  $\vec{q}_p$  оптималь вектор сўрови куйидаги тенглик билан аниқланади.

$$\vec{q}_p = \frac{1}{|C_r|} \sum_{d \in C_r} \vec{d} - \frac{1}{|C_{nr}|} \sum_{d_n \in C_{nr}} \vec{d}_n \quad (2)$$

Бошқача қилиб айтганда, оптималь сўров – бу долзарб ва долзарбмас ЭРлар центроидлари орасидаги фарқ (1-расмга қаранг). Бироқ бу кузатув унчалик ҳам фойдали эмас, чунки долзарб ЭРларнинг тўлиқ тўплами аниқ эмас.




1- расм. Долзарб ва долзарбмас ЭРлар

**Роккио алгоритми.** Таърифланган долзарблик бўйича тескари алоқа механизми 1970 йилда Дж. Солтоннинг SMART тизимида амалга оширилган ва шу тизим эвазига машҳур бўлган[2]. Фойдаланувчи сўрови ва қисман ЭРларнинг долзарблиги ҳакида билимлар бўлсин. Алгоритм модификацияланган  $\vec{q}_n$  сўровдан фойдаланишини таклиф қиласиз.

$$\vec{q}_n = \alpha \vec{q}_0 + \beta \frac{1}{|D_{nr}|} \sum_{d_n \in D_{nr}} \vec{d}_n - \gamma \frac{1}{|D_r|} \sum_{d \in D_r} \vec{d} \quad 3$$

Бу ерда  $\vec{q}_0$  – сўровнинг асл вектори,  $D_r$  ва  $D_{nr}$  – мос равишда маълум долзарб ва долзарбмас ЭРларнинг тўпламлари,  $\alpha$ ,  $\beta$  ва  $\gamma$  эса – ҳар бир кўшилувчининг вазни. Бу катталиклар баҳоланган ЭРлар ва дастлабки сўров тўпламларининг ҳиссасини бошқаради. Агар бизда баҳоланган ЭРлар кўп бўлса, унда биз  $\beta$  ва  $\gamma$  ни кийматини оширишимиз мумкин.  $\vec{q}_0$  сўровдан бошлиб янги сўров долзарб ЭРлар центроиди йўналишида ва долзарбмас ЭРлар центроидидан маълум масофага кўчади. Бу янги сўровни вектор тўпламнинг стандарт моделида ЭРларни излаш учун ишлатиш мумкин.



2-расм. Тескари алоқанинг долзарблек бўйича кўлланилиш эффекти

Долзарбмас ЭР векторини айирган ҳолда мусбат квадрат вектор тўпламидан кечишимиз мумкин. Роккио алгоритмидан терминларнинг манфий вазнлари эътиборга олинмайди. Бошқача қилиб айтганда, бундай терминнинг вазни нолга teng қилиб олинади. Тескари алоқанинг долзарблек бўйича кўлланилиш самараси 2-расмда кўрсатилган.

Долзарблек бўйича тескари алоқа ҳам тўлиқлик, ҳам аниқлик мезонини яхшилаши лозим[2]. Бирок амалиётда тўлиқлик мушкул аҳволда бўлган ҳолатларда тўлиқликни ошириш учун энг фойдаланиши мавжуд. Кўпинча бу Роккио усули – фойдаланиши контексти билан сўровни кенгайтириши (яни, янги терминлар қўшилади) билан тушунтирилади. Фойдаланувчилар юқори тўлиқликка эришишни хоҳлаганларида, улар натижаларни кўриши ва излашни қайта бажаришга вакт сарфлашга тайёр бўлишади.

Мусбат тескари алоқа шунингдек, манфий тескари алоқага қараганда қўмматли ҳисобланади, шунинг учун кўпгина МИТларида параметрларни  $\gamma < \beta$  кўринишида ўрнатиш қабул қилинган. Куйидаги параметрларни танлаш мақсадга мувофиқ:  $\alpha = 1$ ,  $\beta = 0.75$ ,  $\gamma = 0.15$ . Кўп тизимлар, масалан расмларни излаш тизими, факат ижобий тескари алоқага йўл кўяди, бу  $\gamma = 0$  ўрнатмага эквивалент. Салбий тескари алоқа сифатида факат юқори рангли долзарбмас ЭРлардан фойдаланиши мумкин (яни (1) тенгликда  $|D_{nr}| = 1$ ). Долзарблек бўйича тескари алоқанинг турли вариантларини таққослашнинг кўп сонли тажрибавий натижалари якуний хулоса қилиш имконини бермаслигига қарамасдан, баъзи тадқиқотчилар, Ide dec-hi номини олган айнан шу вариант энг эфектли ёки ҳеч бўлмагандага қарамакарши бўлмаган вариант деб ҳисоблашади.

**3. Долзарблек бўйича эҳтимоли бўлган тескари алоқа.** Вектор тўпламда сўров термини вазнини ўзгартиришдан ташқари долзарблек бўйича тескари алоқани ташкил қилишнинг бошқа ёндашувларини таклиф киласиз. Масалан, агар фойдаланувчи бир нечта долзарб ва долзарбмас ЭРларни кўрсатган бўлса, унда синфловчини куриш

мумкин. Кўпинча, синфловчининг асоси содда Байеса эҳтимол модели бўлиши мумкин.  $R$  – ЭРнинг долзарблигини акс эттирувчи мантикий идентификатор ўзгарувчиси. Шунда биз  $P(x_t = 1)$  катталикни, яни ЭР долзарб ёки йўқлигига қараб ЭРда  $t$  термин учраш эҳтимолини баҳолашимиз мумкин.

$$\hat{P}(x_t = 1 | R = 1) = \frac{|VR_t|}{|VR|} \quad (4)$$

$$\hat{P}(x_t = 0 | R = 0) = \frac{(df_t - |VR_t|)}{(N - |VR|)}$$

Бу ерда  $N$  – ЭРларнинг умумий сони,  $df_t$  –  $t$  терминга эга ЭРлар сони,  $VK$  – маълум долзарб ЭРлар тўплами ва  $VK$  –  $t$  терминга эга,  $VK$  лардан ташкил топган ЭРлар тўплам остиси. Гарчи маълум долзарб ЭРлар тўплами барча долзарб ЭРларнинг тўплам остиси ҳисоблансада, агар долзарб ЭРларнинг тўплами барча ЭРларнинг кичик тўпламини ўзидан намоён этади деб тахмин қилинса, унда юқорида келтирилган баҳолар ҳақиқатга якин. Бу баҳолар асосида сўров терминлари вазнини ўзгартиришнинг янги усулини таклиф қилиш мумкин. Ҳозирча тенгликлар (4) термин вазнини ўлчаш учун етарли эмаслигига эътибор берамиз. Бу тенгликлар тўплам бўйича статистика ва долзарб ҳисобланган, ЭРлар таркибидағи терминларнинг таҳсиланиши ҳакида аҳборотдан фойдаланади, лекин маълум сўров ҳақидағи маълумотдан эмас.

Долзарблек бўйича тескари алоқа қачон самарали бўлади? – деган савол туғилади.  $RF$  усулининг муваффакияти маълум тахминларга боғлиқ.

**Биринчидан,** фойдаланувчи қидирилаётган ЭРларга қандайдир маънода якин дастлабки сўровни шакллантириш учун етарлича билимларга эга бўлиши керак[2]. Бу шарт ҳар қандай МИТида зарур ҳисобланади, лекин  $RF$  усулининг ўзи йўқота олмайдиган бир нечта муаммоларни айтиб ўтиш лозим.

**Нотўғри ёзув.** Агар фойдаланувчи сўров терминини тўпламнинг бирорта ҳам ЭРИда ҳам учрамайдиган кўринишида ёзса, унда  $RF$  усули эфектли бўлмаслиги аниқ. Бу муаммони хатоларни тўғрилаш усуслари ёрдамида ечиш мумкин.

**Кўп тилли МИТлари.** Турли тиллардаги ЭРлар вектор тўпламида бир-биридан анча йирокда жойлашади, бир хил тилдаги ЭРлар эса бир-бирига якин гурухланади.

**Фойдаланувчи сўровси ва луғатининг келиш-маслиги.** Агар фойдаланувчи лаптоп терминини юборса, барча ЭРлар эса нотбук сўзига эга бўлса, унда сўров натижага бермайди ва долзарблек бўйича тескари алоқа эфектсиз бўлади.

**Иккинчидан,** долзарблек бўйича тескари алоқа усули долзарб ЭРлар бир-бирига ўхшашиб, яни

кластерлар ҳосил қилишини талаб қиласи[4]. Идеал ҳолатда терминнинг барча долзарб ЭРлар бўйича тақсимланиши фойдаланувчи томонидан белгиланган барча ЭРларда термин тақсимланишига ўхшаш бўлиши керак, барча долзарбмас ЭРлар бўйича термин тақсимланиши эса долзарб ЭРлардаги термин тақсимланишидан фарқ қилиши керак. Усул яхши ишлайди, агар барча долзарб ЭРлар алоҳида прототип ёки турли прототиплар мавжуд бўлса атрофида кластер ҳосил қиласи, долзарб ЭРларнинг лугатлари кучли ёпилади ҳамда долзарб ва долзарбмас ЭРлар ўртасидаги ўхшашлик кичик. Рокко модели долзарб ЭРларни центроид ёрдамида моделлаштирадиган алоҳида кластер сифатида интерпретациялади. Бу ёндашув ишламайди, агар долзарб ЭРлар мултимодал синфни ташкил қиласа, яъни вектор соҳасида бир нечта кластердан ташкил топса. Бу қуйидаги ҳолатларда содир бўлиши мумкин.

Тўпламнинг сифатли тайёрланган ЭРлар таркиби кўпинча бу муаммони ечишда ёрдам бериши мумкин. Масалан, Фирмадаги ҳолатга турли гурухларнинг муносабати ҳакидаги мақола турли томонлар ишлатадиган терминологияга эга бўлиши мумкин: натижада ЭРлар кластери орасида алоқа ҳосил бўлади.

Долзарблик бўйича тескари алоқа фойдаланувчиларга доим ҳам ёқавермайди. Улар кўпинча аён тескари алоқани рад этишади ёки давом эттиришни умуман хоҳлашмайди. Бундан ташқари, кўпинча тескари алоқа асосида излаш натижалари бўйича маълум ЭР нима учун топилганлигини тушуниш қийин.

Бундан ташқари, долзарблик бўйича тескари алоқа бир нечта амалий муаммоларни келтириб чиқарди. *RF* усули қўлланилиши натижасида генерацияланадиган узун сўровлар оддий МИТларида эффектсиз бўлади. Бу катта ҳисоблаш сарфларига олиб келади ва фойдаланувчи сўровига жавоб қайтариш вақтини оширади. Бу муаммонинг қисман ечимини долзарб ЭРда энг муҳим терминлар вазнини оширган ҳолда эришиш мумкин, масалан, энг кўп учрайдиган биринчи йигирмата термин. Баъзи тажрибалар натижасига кўра терминларнинг чекланган сонидан фойдаланиш анча яхши натижалари бериши мумкин, гарчи бошқа оммада муаллиф терминларнинг катта сонидан фойдаланиш топилган ЭРлар сифатини ошириши ҳақида айтади.

**4. Корпоратив тармоқда долзарблик бўйича тескари алоқа.** Корпоратив тармоқ излашнинг баъзи тизимлари ўхшаш-боғлиқ ЭРларнинг излашига функционаллик беради: фойдаланувчи натижалар рўйхатида унинг фикрига кўра аҳборот эҳтиёжига мос келувчи ЭРни кўрсатади ва унга ўхшаш бошқа ЭРларни сўрайди. Бундай функционалликни долзарблик бўйича тескари алоқанинг соддалаштирилган вариант сифатида кўриб чиқиш мумкин. Бироқ умуман олганда *RF* коди Корпоратив тармоқда камдан-кам ишлатилади. Олдин долзарблик бўйича тўлиқ тескари алоқа

берган (*Excite* Корпоратив тармоқ-излаш тизими бундан мустасно). Бироқ вақт ўтиши билан бу имкониятдан воз кечишиди, чунки у фойдаланувчилар талабига мос келмади. Корпоратив тармоқда камдан-кам одамлар излашнинг кенгайтирилган имкониятидан фойдаланади, кўпчилик ягона сўров билан чекланиши маъкул кўради. Бу ҳолат икки сабаб билан тушунтирилиши мумкин: биринчидан, *RF* усулининг мақсадини оддий фойдаланувчига тушунтириш қийин, ва иккинчидан, бу усулининг асосий мақсади қоидага кўра, Корпоратив тармоқ-излаш тизими фойдаланувчиларни камдан-кам кизиқтирадиган излаш тўлиқлигини ошириш ҳисобланади.

2000 йилда Спинк ва бошқалар *Excite* излаш тизимида *RF* усулидан фойдаланиш натижаларини оммалаштириди. Бу усул фақат тахминан 4% излаш сессияларида қўлланилган, бунда улардан кўпчилиги ҳар бир натижга билан борадиган "More like this" ("Ўхшаш ЭРлар") созланишидан фойдаланиш билан чекланган. Фойдаланувчиларнинг кўпчилиги натижаларнинг биринчи сахифасини кўришган ва кейинги сахифаларда ЭРларни излашмаган. *RF* усулидан фойдаланилганда натижалар тахминан учтадан икки ҳолатда яхшиланган.

Сўнгги вақтларда анча муҳим йўналиш фойдаланувчиларнинг излаш натижалари бўйича босишининг таҳлили бўлди, бу долзарблик бўйича аён бўлмаган тескари алоқани таъминлади. Бундай маълумотлардан фойдаланиш Ёҳимс ишларида батафсил ўрганилган. Шунингдек, аён бўлмаган тескари алоқа кўриниши сифатида кўриб чиқиши мумкин бўлган, гарчи бу алоқа сахифанинг ўқувчилари билан эмас, унинг муаллифлари томонидан ўрнатилсада (амалиётда кўпчилик муаллифлар шунингдек ўқувчилар ҳисобланади), Корпоратив тармоқда гиперхаволалар тузилишидан фойдаланиш жуда мудаффакиятли бўлди.

**5. Тасодифий (соҳта, алдамчи) долзарблик бўйича тескари алоқа.** Соҳта долзарблик бўйича тескари алоқа[3] (*pseudo relevance feedback*), ёки долзарблик бўйича кўп тескари алоқа[3] (*blind relevance feedback*), - бу автоматик локал таҳлил усули. У *RF* нинг қўлда бажариладиган қисмини автоматлаштириш имконини беради, шундай экан фойдаланувчи тизим билан кўшимча алоқага киришмасдан излаш сифатини оширади. Бу усул доирасида олдин излаш бажарилади ва энг катта рангларга эга бўлган биринчи *q* ЭРлар долзарб деб ҳисобланадиган, кейин эса уларга бу тахминни ҳисобга олган ҳолда *RF* усули қўлланиладиган энг долзарб ЭРларнинг дастлабки бирлашмаси топилади.

**Долзарблик бўйича ошкормас тескари алоқа.** Қайта алоқа учун база сифатида долзарбликтининг ошкор баҳоларидан кўра билвосита гувоҳликлардан фойдаланиш мумкин. Бу усул кўпинча долзарблик бўйича ошкормас тескари алоқа (*implicit relevance*

feedback) деб аталади. Ошкормас тескари алоқа ишончсизроқ, лекин фойдаланувчилар фикрини хисобга олмайдиган сохта долзарблик бўйича тескари алоқага караганда анча фойдали. Шу билан бирга фойдаланувчилар кўпинча ошкор тескари алоқада иштирок этишдан бош тортишади, катта тизим, масалан Корпоратив тармоқ-излаш тизими ҳолатида ноаниқ тескари алоқа ҳақида катта хажмдаги маълумотларни йиғиш эса қийин эмас.

Контекстда ғоясини фойдаланувчилар кўриб чиқиш учун кўпроқ танлайдиган ЭРларга анча юқори ранг беришдан иборат бўлган DirectHit усули таклиф қилинган. Бошқача қилиб айтганда, сахифаларга ҳаволалар бўйича босишлар бу сахифаларнинг сўровларга долзарблик кўрсаткичи хисобланади деб тахмин қилинади. Бу ёндашувда бир нечта тахминлар қилинади, масалан излаш натижаларидағи ЭРлар снипетлари (уларнинг ёрдамида фойдаланувчилар қайси сахифаларга ўтиш кераклигини танлашади) бу ЭРларнинг долзарблик индикаторлари хисобланади. Асл DirectHit излаш тизимида босишлар ҳақида маълумотлар глобал йиғилган ва аниқ фойдаланувчи ва сўровлар билан боғлиқ бўлмаган. Бу усул босишларни (clickstream mining) тахлил қилишнинг умумий ёндашуви турларидан бири хисобланади. Ҳозирги вактда шунга жуда ўхшаш усул Корпоратив тармоқдаги излаш сўровларига мос келувчи реклама эълонларини ранжирлаш учун фойдаланилади.

**Резюме усули.** Тадқиқотлар кўрсатди, *RF* усули натижалар долзарблигини жуда масарали ошириш имконини беради. Ундан муваффакиятли фойдаланиш учун етарлича кўп долзарб ЭРлар мавжуд бўлган сўровлар зарур[2]. Долзарблик бўйича тўлиқ тескари алоқа фойдаланувчи учун оғир хисобланади, унинг амалга оширилиши эса қўргина МИТларида унчалик самарали эмас. Кўп ҳолатларда шунга ўхшаш яхшиланишга камрөк куч сарфлаган ҳолда интерактив излашнинг бошқа усуллари ёрдамида эришиш мумкин.

Ихтиёрий сўров бўйича асосий излаш сенаријисидан ташқари долзарблик бўйича тескари алоқа куйидаги ҳолатларда ишлатилади:

- Ўзгарадиган ахборот эҳтиёжларини кузатиш (масалан, фойдаланучи қизиқадиган автомобил маркаси вакт ўтиши билан ўзгаради).

- Ахборот фильтрларини кўллаш (масалан, янгиликлар олиш учун).

- Фаол ўқиши (active learning) (ўқитиладиган танлов шаклланиши учун харажатларни қисқартириш учун кўлда синфлаш фойдали бўлган мисолларни топиши).

**6.Долзарблик бўйича тескари алоқа стратегиясини баҳолаш.** Долзарблик бўйича интерактив тескари алоқа излаш сифатида сезиларни ютуққа эришиш имконини беради. Эмперик нуқтаи назардан долзарблик бўйича ҳатто бир тескари алоқа цикли кўпинча жуда фойдали бўлади. Икки цикл баъзан кам фойдали бўлади. *RF* дан муваффакиятли фойдаланиш учун баҳоланганди ЭРларнинг

етарлича катта сони талаб қилинади, бўлмаса жараён нотурғун бўлади ва фойдаланувчининг ахборот эҳтиёжидан бошқа томонга кетиши мумкин. Мос равища, бештадан кам бўлмаган баҳоланганди ЭРларга эга бўлиш тавсия этилади.

*RF* усулининг эффективлигини тўлиқ ва аён баҳолаш қийин. Маълумки, биринчи стратегия сифатида дастлабки  $q_0$  сўровдан бошлаш ва “аниқлик-тўлиқлик” графигини қуриш мумкин. Фойдаланувчидан тескари алоқанинг бир циклидан сўнг модификацияланган  $q_m$  сўровни хисоблаймиз ва яна “аниқлик-тўлиқлик” графигини тузамиз. Иккала цикл давомида тизим ишининг сифати оддий таққослашга йўл қўядиган тўпламдаги барча ЭРлар бўйича баҳоланади. Бу ҳолатда таасурот қолдирадиган ютуққа эга бўлиш мумкин: МАР кўрсаткичининг тахминан 50% га ўсиши. Афсуски, бу ёлғон. Бу ютуқ кўпинча маълум долзарб ЭРлар (фойдаланувчи томонидан баҳоланганди) энди анча юқори долзарблика эга бўлиши билан тушунтирилади. Сифатни анча аниқ баҳолаш учун таққослашни фойдаланувчига маълум бўлмаган ЭРлар бўйича ўтказиши керак.

Иккинчи гоя, иккинчи цикл давомида қолдик тўпламдаги ЭРлардан, яъни долзарб сифатида баҳоланганди ЭРлардан ташқари барча ЭРлардан фойдаланишдан иборат. Бундай баҳо ҳақиқатга анча яқин бўлиб чиқади. Афсуски, ўлчанганди эффективлик кўпинча дастлабки сўровдагидан кўра пастда бўлиб қолади. Бу самарали долзарб ЭРларнинг кичик микдори бўлганда ва уларнинг сезиларни хиссаси фойдаланувчи томонидан биринчи цикл давомида баҳоланганди айниқса, аниқ намоён бўлади. Долзарблик бўйича тескари алоқа турли усулларининг нисбатан эффективлигини аниқ баҳолаш мумкин, лекин тизимлар сифатини долзарблик бўйича ва усиз тескари алоқа билан асосли таққослаш жуда қийин, чунки тескари алоқадан олдин ва кейин тўплам ўлчами ва долзарб ЭРлар сони фарқ қиласи.

Шундай қилиб, бу усуллардан бирортаси тўлиқ қоникарли хисобланмайди. Усулда бири дастлабки сўров ва долзарблики баҳолаш учун, иккинчиси эса – таққослаш баҳоси учун ишлатиладиган икки тўпламлар билан ишлашни кўзда тутади.  $q_0$  ва  $q_m$  сўровларни қайта ишлаш сифатини иккинчи тўплам ёрдамида аниқ таққослаш мумкин.

Эҳтимол, *RF* усулининг фойдалилигини баҳолашнинг энг яхши усули фойдаланувчилар иштирокидаги тажрибалар хисоблансанда керак, масалан, вақтинча кўрсаткичларни таққослаш йўли билан: фойдаланувчи бошқа стратегия билан (масалан, сўровни янги шакллантириш билан) таққослагандага *RF* ёрдамида долзарб ЭРларни қанчалик тез топмоқда ёки вақтнинг маълум қисмида фойдаланувчи қанчалик кўп долзарб ЭРларни топмоқда. Фойдалиликнинг бундай баҳолари энг аниқ ва тизимдан фойдаланишга реал яқин хисобланади.

### Хулоса

МИТларида долзарбликни тескари алоқа асосида хисоблаш бу ҳар бир аҳборот тизимининг фойдаланувчилари ва уларнинг реал билимлари асосида аниқланади. Аммо бу долзарблик ҳамма вақт ҳам ўзини оқламайди. Бундай ҳолатларда МИТларининг фойдаланувчилари сони ва тизимдаги фойдали ЭРларни кўпайтириш лозим. Шунингдек, аҳборот тизимини қўллаб кувватлаш, бойитишни ҳам амалга ошириў мумкин. FSV технологиясида бу ёндашувлар учун барча амалга ошириш, МИТни ўқитиш модкллари мавжуд. Буни кенгайтириш тизимга боғлиқдир. Бу ёндашувларни маҳсус инструмент (Tools for calc\_r) ни созлаш, метод (event) ва хусусиятларни (properties) ўзгартириш мумкин.

### Адабиётлар

1. Мўминов Б.Б. Маълумотларни излаш тизими. –Т.: Фан ва технология. 2016. -210 б.
2. Шокин Ю.И. Проблемы поиска информации / Ю.И. Шокин, А.М. Федотов, В.Б. Барахнин. Новосибирск: Наука, 2010. – 220 с.
3. Page L., Brin S., Motwani R., Winograd T.: The PageRank Citation Ranking: Bringing Order to the

Web. Stanford Digital Libraries Working Paper, Stanford University, 1998. -17 p. <http://ilpubs.stanford.edu:8090/422/1/1999-66.pdf>

4. Anand Singh Kunwar, The PageRank Citation Ranking: Bringing Order to the Web Paper Review. <http://home.iitk.ac.in/~anandk/cs300/3B.pdf>

### Мўминов Баҳодир Болтаевич

Техника фанлари доктори, Аҳборот-коммуникацион технологиялари кафедраси, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия ҳарбий-техник институти.

E-mail: mbbahodir@gmail.com

### Relevance feedback strategies in FSV technology

**Abstract:** This article presents the basic principles of the main feedback strategies in the search engines of FSV technology. It discusses the relevance and coincidence (false, deceptive) relevance of feedbacks, the Rocky algorithm for the relevance of feedback, current feedback, relevance in the corporate network, the relevance of feedbacks on forecasting, and the evaluation of the feedback strategy.

**Key words:** data search, search engine, FSV technology, relevance, feedback, query, Rocky algorithm, centroid.

УДК 532.5

**Р.М. Мадрахимов, Д.С. Яхшибоев, Ш.Қ. Отаев К.Р. Мадрахимов.**

## МАТРИЦА АРГУМЕНТЛИ ГОЛОМОРФ ФУНКЦИЯЛАР УЧУН ТЕЙЛОР ҚАТОРИНИНГ АНАЛОГИ

Ушбу мақолада матрица аргументли голоморф функциялар учун Тейлор қаторининг аналоги ўрганилади.

В статье изучается аналог ряда Тейлора для голоморфных функций матричного аргумента.

In this article we study analogue of the Taylor series holomorphic functions of the matrisa argument.

Ушбу мақолада матрица аргументли голоморф функциялар учун Тейлор қаторининг аналоги келтирилган.

1-таъриф: [1].  $A \in C[m \times m]$  бўлсин. У ҳолда  $A$  матрицанинг ўнг (Right) абсолют қиймати (чап (Left) абсолют қиймати) деб куйидаги микдорга айтамиш  $|A|_R = \sqrt{A^* A}$  ( $|A|_L = \sqrt{AA^*}$ ).

Абсолют қийматнинг бা�ъзи хоссаларини такидлаб ўтамиш. Биз ўнг абсолют қиймат учун хоссаларни келтирамиз, булар чап абсолют қиймат учун ҳам ўринли бўлади.

- $\forall \alpha \in C, |\alpha A|_R = \alpha |A|_R$
- $|A|_R = \theta \Leftrightarrow A = \theta$  бу ерда  $\theta$  нол матрица.
- Умумий ҳолда. а)  $|AB|_R \neq |A|_R |B|_R$  мисол  $A = \begin{pmatrix} 0 & 1 \\ 0 & 0 \end{pmatrix}$  ва  $B = \begin{pmatrix} 1 & 0 \\ 0 & 0 \end{pmatrix}$
- $|A + B|_R \leq |A|_R + |B|_R$  мисол

$$\sigma_3 = \begin{pmatrix} -1 & 0 \\ 0 & -1 \end{pmatrix}, \sigma_1 = \begin{pmatrix} 0 & 1 \\ 1 & 0 \end{pmatrix}$$

$$|(\sigma_3 + 1) + (\sigma_1 - 1)| \leq |(\sigma_3 + 1)| + |(\sigma_1 - 1)|$$

(Нильсон мисоли [1] 241,бет)

4. Матрицанинг чап ва ўнг абсолют қийматлари учун куйидаги тенглик ўринли  $\sqrt{A^* A} = U \sqrt{AA^*}$  (бу ерда  $U$  унитар матрица), яъни  $\sqrt{A^* A}$  ва  $\sqrt{AA^*}$  лар унитар матрица аниқлигига тенг.

5. Агар  $A$  ва  $B$  операторлар диагонал матрикалар бўлса ,у ҳолда

$|AB|_R = |A|_R |B|_R$ , аммо  $\|AB\|_S = \|A\|_S \|B\|_S$  бўлиши ҳар доим шарт эмас. Бу ерда  $\|\cdot\|_S$  спектрал норма. Мисол  $A = \begin{bmatrix} 1 & 0 \\ 0 & 3 \end{bmatrix}, B = \begin{bmatrix} 7 & 0 \\ 0 & 0 \end{bmatrix}$

6. Агар норма қийматини диагонал матрица деб тасавур килсак , у ҳолда буларни такқослаш мумкин. Ушбу  $\begin{pmatrix} 0 & 0 \\ 0 & 2 \end{pmatrix}$  матрицани қараймиз. Унинг